

ТОШКЕНТ ОҚШОМЧИ

№ 80 (2975) ЧОРШАНБА
7 АПРЕЛЬ 1976 й
Газета 1966 йил 1
нолдан чыка бошлади
Баҳоси 2 тийна.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИШ СУРЪАТИ ОРТМОҚДА

Куни кеча машинасозлик бўйича Давлат лойиҳалаш конструкторлик-технология бюросида «Чакмоқ» деворни газетасининг навбатдаги сонига чиқарилди. Унда биринчи кварталда коллективдаги цехлар ва конструкторлик бригадалари ўртасида давом этган мусобақада Анатолий Попов бошлиқ конструкторлар бригадаси энг юқори натижага эришти. Биринчилиكنи кулга кiritганлиги хабар қилинган.

Бу бригада лойиҳасида ишларни тез ва сифатли бажаришда анча вақтдан бери коллективда илгирлик килиб келган. Ҳозир бригада 1 Май байрами яқин меҳнат тухфалари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. Мана шундай пешқадам коллективларнинг гайратшукрати билан конструкторлик бюросида биринчи квартал вақтида муваффақиятли бажарилди. Уч ой мобайнида 2 миллион 103 минг сўмлик иш бажарилди. Бундан ташқари машинасозлик корхоналарига 22 та модернизацияланган станок, 322 та ҳар хил штамплар, прессформалар етказиб берилди. Янги станокларнинг 6 таси трактор заводида, 2 таси агрегат заводида ўрнатилди. Юқори умумий ва аниқликда ишлайдиган бу станокларнинг ҳар бири бир йилда 10 минг сўм истисодий самара беради. Ҳозирги пайтда конструкторлик коллективи 1 Май байрамини тўрт ойлик топирикин мўддатидан илгари бажариш билан кутиб олиш мақсадида иш суръатини тезлаштирмоқда.

• Буюк почин анъаналарига садоқат
• 10 миллион сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда
• Шанбаликдан тушган маблағнинг ҳаммаси ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади

ТОШКЕНТЛИКЛАР МЕХНАТ БАЙРАМИГА ТАЙЁРЛАНИШМОҚДА

Ишчи либосидаги байрам

В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллигига бағишлаб 1976 йил 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИ ВА НОВАТОРЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШИ

Шу йил 6 апрелда Ўзбекистон Компартияси Тошкент обласи комитети мажлисида В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллигига бағишлаб 17 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари ва ташкилотлари коллективлари вакиллари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўнаев йиғилишнинг қисқача кириш сўзи билан оқди.

Йиғилишда сўзга чиққан Октябрь революцияси номи тепловоз-вагон ремонтни заводи бошлиғи Х. Фахруллоев кўпсон коллективи ўртасида Коммунистик партия ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунини эфр меҳнат муваффақиятлари билан нишон-галитини таъдир. Москвадаги илгор саноат корхоналарининг улуг доҳий туғилган кунининг 106 йиллигига бағишлаб 17 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича бошланган ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаган тепловоз-вагон ремонтни заводи коллективини шу кун юксак унвдорлик билан меҳнат қилишга қарор қилди.

В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиққан Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари ва ташкилотлари коллективлари вакиллари, ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари йиғилишининг

М У Р О Ж А Л А Т И

Қарли ўртоқлар! КПСС XXV съезди тарихий ҳужжатлари ва қарорларидан илҳомланган мамлакатимиз меҳнатқиллари шу кунларда юксак сийёси ва меҳнат кўтаришқилини руҳида ишламоқдалар. Улар коммунистик қўрилишнинг улугвор планларини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интиломоқдалар, юксак сийёси онглилик намуналарини кўрсатмоқдалар, ватанпарварлик ташаббуслари, новаторлик инанлишлари ва оммавий ташаббусдорлик билан чўймоқдалар.

Тошкент меҳнатқиллари КПСС XXV съезди белгилаб берган ваифаларини ўзларининг юксаклиги, амалий ишлари, деб қабул қилдилар. Минтиқлар ва йиғилишларда қабул қилинган коммунистик мажбуриятлар ва муқобил планларда республика пойтахтининг меҳнатқиллари Марказий Комитетга, ҳозирги замоннинг кўзга кўринган сийёси арбоби, тинчлик ва совет ишларининг бахт-саодати учун толмас қўраччи ўртоқ — Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитетнинг Сийёси бюросига ўзларининг меҳр-муҳаббатлари ва эҳтишомларини янги куч билан илҳор этмоқдалар.

Марказий Комитетнинг кўчма Қизил байроғи билан таъдирланди. Беш йил давомида 13 мингдан ортиқ тошкентликлар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Бу, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг Тошкент шаҳри ва тошкентликларга кўрсатган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг янги ёрқин намунаси.

Ўртоқлар! КПСС XXV съезди қарорлари тошкентликларни янгидан-янги меҳнат кўтаришқилини, 1976 йил ҳалқ хўжалик планларини бажариш учун коммунистик мусобақани кенг авж олдиришга, ўнинчи беш йилликнинг ҳар бир иш кунини зарбдор меҳнат, ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришиш ва ватанпарварлик ҳаракатларини авж олдиришга илҳомлаштирди.

Тошкентдаги Октябрь революцияси номи тепловоз-вагон ремонтни, СССР 50 йиллиги номи трактор, «Ташсельмаш», агрегат заводалари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тикув ишлаб чиқариш бирашмаси ва бошқа корхоналар Тошкентда биринчи бўлиб москвалликларнинг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллиги шарафига 1976 йил 17 апрелда Коммунистик шанбалик ўтказиш таълифи билан чиқарилди.

Ҳамма жойда бўлиб ўтган йиғилишларда шаҳардаги саноат корхоналари, қўрилиш, транспорт, таъқиқот ва муассасаларнинг коллективлари барча меҳнат коллективларининг, барча тошкентликларнинг коммунистик шанбаликда қатнашишга, шу кун ҳар бир иш жойида аъло сифатли материалларни кўпроқ ишлаб чиқаришга, юксак унвдорликка эришишга, тежасли энергия ресурслари, хом ашё ва материаллар ҳисобига ишлашга, меҳнатдан тушган иш ҳақини ўнинчи беш йиллик фондига топириштиришга даъват эътибор.

ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФИЯЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

6 апрелда Ўзбекистон кинематографиячиларининг IV съезди очилди. Кинолента яратувчилар ҳисобот давридаги фаолиятларининг янгиликларини, илҳорлигини, КПСС XXV съезди маданият арбоблари олдига қўйган талаблар асосида ўз ваифаларини кўриб чиқмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сийёси бюроси Ўзбекистон кинематографиячиларининг IV съездининг фахрий президентига баланд руҳ билан сайланди.

Агитбригадалар кўриги

итифок меҳнатқиллар бадийи жоди ҳаваскорлиги фестивали олдидан ўтказилган бу кўриқда кўпсон корхоналарнинг ишчи талантлари катнашдилар.

Янги маҳсулотлар

Тошкент экспирментал механика-фурнитур заводида ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили биринчи кварталда портфелларга ишлатилган лангунларнинг ўндинчи йили турини ишлаб чиқариш йўлида қўйилди. Бутунги кунда корхонада маҳсулотнинг 40 дан ортиқ хили ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент газеталарида

6 апрель кунини Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийёси бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийёси бюросининг аъзоси, СССР таъқиқот ишлари министри А. А. Громико билан Швейцария Бош министри У. Пальме ўртасида музокаралар бошланди.

Чордарага самолёт қатнамоқда

пойтахт аэропортидан Қозғонистоннинг Чордара сув омборига самолёт қатнай бошладилар. Республика граждандар авиацияси бошқармаси ҳамшаҳарларимизнинг ана шу манзилга тез етиб боришлари учун шу тадбирни амалга оширди. Чордара сув омбори ўзининг гузал табияти ва хушманзара боғлари билан дам олувчилар, овчилар ва балчиқчиларнинг диққатини тортимоқда. Бу ҳаво йўлида ҳар кун «АН — 24» пассажир самолётлари қатнамоқда.

Қардош халқнинг қутлуғ зафари

Совет Ўзбекистони билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида ўрнатилган дўстлик алоқалари йил сайини ривожланиб бормоқда. Тошкентдаги қўпгина корхоналар, йирик муассасалар ва илмий-таъқиқот масканлари қардош мамлакатдаги дўстлари билан узвий алоқа ўрнатилган. Хаммаҳримиз, талант рассом Виктор Иванович Евенко Венгрия бўйлаб ўтказилган зафари лавомида дўстларимизнинг социализм даврида эришган ютуқларидан илҳомланиб, турли воқеаларни картинага туширди эди.



Беруний номидаги Тошкент политехника институтини халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар етказиб бормоқда.

ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ РИВОЖИ

Тошкент АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙўЛЛАР ИНСТИТУТИДА БИР НЕЧА КўНДАН БУЕН ДАВОМ ЭТГАН IV ИЛМИЙ-ТЕХНИК КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент шаҳри ва обласида бутун кезмига ҳар ортага қўндузи ҳаво ўзгартиб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Бутун кезмига 6-8 ортага қўндузи эса 10-13 даража иссиқ бўлади.

Илмий-назарий конференция

Сергели район партия комитети мажлисида заляда район бошлангич партия ташкилотларининг секретарлари, секретарь ўринбосарлари, «Билим» жамияти ташкилотлари раислари, сийёси ўқув раҳбарлари, халқаро лекторлар, иқтисодчилар, район «Билим» жамияти ташкилотининг сийёси ва экономика биланлари пропагандаси методик секцияси аъзоларининг илмий-назарий конференцияси бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири ўринбосари, фалсафа фаилари кандидати Ш. Ғ. Яҳъев, Тошкент олий партия мактаби ўқитувчиларидан иқтисод фаилари кандидати, доцент Б. М. Фоханов, фалсафа фаилари кандидати, доцент Ф. П. Киз ўртоқлар КПСС XXV съезди материаллари бўйича докладлар қилдилар.

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри ва обласида бутун кезмига ҳар ортага қўндузи ҳаво ўзгартиб туради. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Бутун кезмига 6-8 ортага қўндузи эса 10-13 даража иссиқ бўлади.

